



## «ҚАРИМОВ УЧУН ЛАВОЗИМДАН КЕТИШ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ БИЛАН БАРОБАР»

Ислом Каримовнинг 15 май куни Самарақанддаги конференцияда ва Ўзбекистонда НАТО ваколатхонасининг очилишида айтган гапи ва унинг Ўзбекистон президенти сифатида ишлашда давом этишга бўлган хоҳиши ўртасида бевосита боғлиқлик йўқ.

Бирок, Украинадаги воқеалар ва Россия империясини тиклашга бўлган ҳаракатлар билан боғлиқ таҳдидлар ҳамда Россиянинг Марказий Осиёга бевосита таъсир кўрсатишга уринишидан кейин Ғарбнинг минтақа билан ҳамкорликни кучайтиришга бўлган қизиқиши қайтадан жонланди.

Бу ҳақда Шарқий ва Африка тадқиқотлари Лондон мактаби илмий ходими Алишер Илҳомов SA-News ахборот агентлигига ўз фикрини билдирди. «Эҳтимол Каримов бу қизиқишни ҳис қилгандир ва ғарбнинг муносабати салбий бўлмаслигини инobatга олган ҳолда ўз баёнотини қилиш учун пайтдан фойдаланиб қолишга қарор қилган», — дейди у.

Экспертнинг сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг ишлашни исташи ва ишлашда давом этиши ҳақидаги гапининг ҳеч қандай ҳайрон қоларлик жойи йўқ аслида.

«У оёқда экан ўрнини бўшатмаслиги борасида менда ҳеч қачон шубҳа бўлмаган.

Унинг учун лавозимдан кетиш

ўз жонига қасд қилиш билан баробар, шу сабабли ҳам у ҳеч қайси номзодга ўз ўрнини ишониб топширмайди. Сўзда уларнинг ҳаммаси ҳам Каримовга содиқ бўлишлари мумкин, бироқ ҳокимият алмашганидан сўнг нима қилишлари номаълум. Мамлакатда коррупциянинг илдири отиши ва иқтисодий сиёсатдаги муваффақиятсизлик учун айбни кимнингдир гарданига юклаш керакку ахир. Одатда бундай нишон сифатида ҳақиқатдан ҳам кўплаб кўрсаткичлар бўйича ачинарли аҳволда бўлган ишларнинг бугунги ҳолати учун барча айбни юклаш учун собиқ давлат раҳбари танланади», — дея таъкидлайди Илҳомов. Шу сабабли ҳам Каримов эксперт таъкидлаганидек ўз баёнотини билдириш учун пайтдан фойдаланишга қарор қилди. Бирок, бу ерда масаланинг бошқа томони ҳам бор. Каримов ўзининг лавозимда қолиш ва ишлашда давом этиши ҳақидаги баёнотисиз ҳам ўрнини бўшатмаслиги тайин эди. Шундай экан, ушбу баёноти билан у ғарбнинг кескин муносабат билдириши ёки билдирмаслигини ўрганишга ва айни пайтда президентлик лавозимини бу сафар қай тарзда расмийлаштириш масаласини ҳам ҳал қилишга ҳаракат қилган бўлиши мумкин.

**УХХ ахборот бўлими**

## Тошкентда тўққиз ойлик чақалоқ бешинчи қаватдан тушиб кетди

Тошкент шаҳрининг Себзор даҳасида кўп қаватли уйлардан бирида 27 май, сешанба куни бахтсиз ходиса юз берди. Бу ҳақда uz24 хабар тарқатди.

Беш қаватли уйнинг балконида тўққиз ойлик қиз бола тушиб кетган.

Даҳада яшовчиларнинг UZ24'га маълум қилишларича, воқеа эрта тонгда содир бўлган.

Бу пайтда ота-она ўз қизи билан хонадоннинг балкон қисмида, очиқ дераза олдида ухлаб ётган бўлган. Қайд этишларича, чақалоқ ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлмаган.

**UZBEK.FM**

## Ўзбекистонда ҳафта давомида 235та ёнғин содир бўлди

ИИБ матбуот хизматининг 28 май куни берган хабарига кўра ўтган ҳафта давомида Ўзбекистонда 235та ёнғин қайд этилди.

Ушбу ёнғинлар натижасида 6 киши турли даражада куйиш жароҳатини олган.

Хабарда таъкидланишича, ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг тезкор ҳаракатлари натижасида умумий киймати 749,67 миллион сўмдан ортиқ бўлган қурилиш конструкциялари ва 871,24 миллион сўмликдан ортиқ товар-моддий қимматликлари сақлаб қолинган.

Эслатиб ўтамиз, 24 май куни шаҳар марказидаги Ҳамид Олимжон майдонида жойлашган 18 қаватли бинода кучли ёнғин рўй берганди ва 10,11,12 қаватларда жойлашган бир нечта хонадон ёниб кул бўлганди.

**UZBEK.FM**

## Россия Федерацияси ҳукумати меҳнат муҳожирлари тўғрисидаги янги қонун лойиҳасини тасдиқлади

Ишлаш учун рухсатнома ёки патент муҳожирлик анкетасида келишдан мақсади аниқ кўрсатилган чет эл фуқароларигагина берилиши лозим.

Бу ҳақда 29 май куни ҳукумат томонидан тасдиқланган қонун лойиҳасида таъкидланади.

Мазкур қонун лойиҳасига расмий тақриз 29 май куни РФ Вазирлар маҳкамасининг расмий сайтида эълон қилинди.

Хужжат муаллифлари — депутатлар Ирина Ярова, Александр Хинштейн, Игор Руденский ва бошқаларнинг фикрича визасиз кириш тартиби ўрнатилган давлатлардан келганларга агар улар Россияга бошқа мақсадларда келган бўлсалар ишлашга рухсатнома берилмаслиги лозим.

Шу сабабли ҳам улар «Россия Федерациясида чет эл фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги федерал қонунга ўзгартиш киритишни таклиф қилишмоқда.

Юқорида номи тилга олинган депутатлар: «Таклиф қилинаётган ўзгартишлар ишлаш мақсадида Россия Федерациясига кириб келган фуқароларнинг ҳисобини юритиш ва уларни кузатиб бориш имконини беради.

Шу билан бирга бутун Россия Федерацияси бўйлаб ҳамда Россия Федерациясининг алоҳида субъектлари бўйича миграция билан боғлиқ ҳолатини олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлади», — деган ишончда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳаси орқали визасиз равишда Россияга кириб келган чет эллик шахсга ишлаш учун рухсатнома беришни рад қилиш учун кўшимча асослар ўрнатиш ҳам таклиф қилинмоқда. Бу ҳолат фақат муҳожирлик анкетасида келишдан мақсад сифатида Россия Федерациясида меҳнат фаолиятига алоқаси бўлмаган мақсад кўрсатганлар учун таълуқли.

**ЎХХ ахборот бўлими**



## Юрган одамгина манзилга етади

Бугун интернет саҳифаларида ник остига яшириниб воҳай ўлдим деб зорланаётганлар ўзгариш йўлида бир қадам ташлашга кўрадилар. «Бундан ҳам ёмон бўлса нима қиламиз» деб ўйлашади ва ўтиришаверади ох воҳ қилиб.

Жек Лондоннинг «Уч қалб» асарида ҳаракатсиз турган одамни ютадиган даҳшатли кум саҳросининг тасвири бор. Ўзбекистон режими ҳам шундай саҳро. Одамлар ҳаракатсиз бўлгани сайин кўпроқ ерга кирмоқда.

Кеча тиззаларигача кирган бўлсалар, бугун белларигача, валлаҳи аълам эртага бўйинларигача жимгина ерга киришга тайёрлар. Эҳ, Конфуций, Конфуций сени ўқиган сайин кўп нарсани тушуна бошлайман.

«Энг муҳими бир жойда турмаслик, илк қадамни ташлашга журъат топиш.» дея ёзганинда нақадар ҳақ эдинг сен. Мен Қорақум ва Қизилқум ёқасидаги Хоразмда улғайдим.

Қумда йўлдан адашишнинг бадали ўлим эканини ҳар бир хоразмлик билади. Лекин ҳадаф аниқ бўлса қумда ҳам саҳрода ҳам узок манзилга етиш мумкин.

Худди инглиз мақоли каби «A journey of a thousand miles begins with a single step» Минг майл масофа ҳам илк қадамдан бошланади деб таржима қилсак бу мақолни.

Яна не дейин. Нега жим бу халқ. Ноғорани урмагунча овози чикмайди десак тўғри эмас. Уриш сўкиш, камситиш бўлса шунчалик бўлар.

Бундан атиги 23 йил бурун бу миллатнинг ўзгариш иштиёқи Болтиқбўйи эллари билан

беллашган эдику.

1989 йилнинг август ойида тақдир тақозоси билан Урганчдаги Спартак стадионида илк мустақил митинг ташкилотчиларидан бири эдим.

«Эрк ва мустақиллик» деган шиор остидаги бу митингда нутқ сўзламоғим керак эди. Аммо ташкилий ишлар билан бўлиб нутқ ёзишга улгурмадим.

Рассом ўлароқ нутқ ёзишга нўноқ эдим. Бу нутқни дўстимиз, ҳозирда таникли исломшунос олим Абдурашид Зоҳидов ёзиб берганлигини миннатдорлик билан эслайман. Нутқ «ЮРАЙЛИК» деб аталган эди. Бу нутқ нима ҳақда экани аниқ эсимда йўқ, лекин сўнгги жумла эсимда.

Бу сўз «юрэйлик» деган сўз эди. Биз бу сўз қанотида майдонларни тўлдирдик. Фарғона водийси, Тошкент ва Қашқадарё майдонларида юришлар бошланди.

Миллат юра бошлаган эди. Аммо сал ўтмай ҳаракат сардорлари ТВ га чиқиб «юришни тўхтатинглар» деб амр қилишди. Балки тактик жихатдан тўғри бўлган бу қарорнинг стратегик ҳато бўлганига сўнгги 23 йил гувоҳлик беради.

Юрмай кўйган одамни ер ютгани каби бизни ҳам ер ютди. Мана 23 йилдирки қаримовлар устимизни тепкилашади.

Балким етар. Балким ўрнимиздан ғоз туриб илк қадамни кўярмиз. Балки биз ҳам юриб йўқотган йўлимизни топиб олармиз.

*Борми шундай устак ?*

**Шўҳрат Бобожон**  
[www.facebook.com](http://www.facebook.com)

Ўзбекистондаги “тинчлик ва барқарорлик учун таҳдидга айланиш эҳтимоли бор” деб кўриладиган Россия, Қозоғистон ва бошқа хориж давлатларида меҳнат мухожиратида юрган ўзбекистонликлар ватанга қайтганида улар устидан турли “профилактика ишлари” ўтказиш кучайтирилмоқда. Шундай профилактикадан ўтган мухожирларнинг бу ҳақдаги хабарларини Озодликнинг ички ишлар тизимидаги манбалари тасдиқлади.

### Маҳалладан МХХ га...

Озодликнинг Ўзбекистон ички ишлар ва хавфсизлик тизимидаги манбаларига кўра,



бор эдими? Йўқ. Қанча пул ишладинг ойига?”. Асосан ана шу саволлар экан, дейди яқинларидан бири шу ойда “Саволнома”га ёзма жавоб бергач, туман ички ишлар бўлимида махсус “профилактика”дан ўтган бухоролик йигит.

### «Нега Ўзбекистондан кетдинг?»

Озодликка мурожаат қилган қашқадарёлик Мархабо (исми ўзгартирилган), бир неча ой аввал янги паспорт олиш мақсадида уйга борганида, паспортга ҳужжат қабул қилиш шартларидан биттаси, айнан шундай профилактик сўхбатдан ўтганини тасдиқловчи ҳужжат

## УЗОҚ МУДДАТ ХОРИЖДА ЮРГАНЛАР “САВОЛНОМА”ГА ЖАВОБ БЕРИШГА МАЖБУРЛАНМОҚДА

“узок муддатлилар” деб аталувчи меҳнат мухожирлари турли сабаб, хусусан, биометрик паспорт олиш мақсадида уйга қайтганида, улар билан тегишли профилактика амалиётлари ўтказиш мажбурий тусга кирган.

Ички ишлар бошқармалари қошидаги Ҳуқуқбузарликни олдини олиш, шунингдек, Жиноят-қидирув бўлими инспектор ва ходимлари назоратида ўтказилаётган бу профилактика жараёнига оид батафсил ҳисобот ҳар ой Миллий хавфсизлик хизматида тақдим этилмоқда.

Бу жараёнда Қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоллари ва маҳалла раислари фаол рол ўйнамоқда.

Озодликка бир-биридан мустақил мурожаат қилган Россиядаги ўзбек мухожирлари, бундай профилактика амалиётларининг Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Хоразм ва Қорақалпоғистонда қандай бораётгани ҳақида хикоя қилдилар.

### «САВОЛНОМА»ДАГИ САВОЛЛАР

Хусусан, Озодликка Бухоро бўйлаб Россиядан қайтган “узок муддатлилар”га участка ноизи томонидан уйма-уй юриб тарқатилаётган саволлар рўйхати ҳам тақдим этилди.

“Яшаш жойидан узок муддатга чиқиб кетиб қайтиб келган шахслар билан ўтказиладиган профилактик

сўхбатда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича САВОЛНОМА” деб номланган мазкур ҳужжатнинг Озодликка келган нусхасидан, 21 та савол ўрин олган.

Яқинларидан бири айна шу саволнома бўйича сўроқ қилинган бухороликлардан бири хикоя қилади:

- Маҳалланинг раиси келиб уйга берган мана шу саволномани. Ўшанга жавоб ёзиб берар эканмиз. Ундан кейин милиция чақириб, допрос қиларкан. Ўша вақтнинг ўзида сразу жавоб ёзиб бераёпти қўлига. Ундан кейин милиция чақириб, сўроқ қилган. “Ёнингда Андижондан, Намангандан бор эдими? Намоз ўқийсанми? Қанча пул ишладинг? Қарда ишладинг? Қанчасини кимга, қандай юбординг? Нима ишлар қилдинг? Кимлар билан гаплашдинг?”га ўхшаган саволлар. Битта Бухорода эмас Қорақалпоғистон, Хоразмда ҳам шу нарса бўлди. Ҳамкасбларимиз бориб келган пайтда ҳаммаси допросга борган. Маҳалла ноизи, асосан, “Намоз ўқийсанми?” деган савол жавоби билан қизиқади. Бориб келганлар айтаяптику. “Қарда ишладинг? Стройкада ишладим. Нима иш қилдинг? Маляркада ишладим. Ким билан ишладинг? Ўрислар эди. Ўзбеклар йўқмиди? Ўзбеклар бор эди. Қардан эди ўзбеклар? Қарақалпоғистоннинг туркманлари, Туркманистон туркманлари. Андижонликлар

бўлганини айтади:

- Бир йилдан кейин янги паспорт олиш учун Ўзбекистонга бордим. Паспортга документларимни топширишга борсам у ерда “шунақа-шунақа текширувлардан, терговдан ўтишинг керак”, дейишди. Документларимни қабул қилишмади. Тилхат ёздиришди. Мазмуни” Россияда ҳеч ким билан бирга бўлмадим, намоз ўқимадим”.

Милиция бўлимида мени эркак киши тергов қилди. Хонада мен танимайдиган яна битта хотин ҳам бор эди. “Нимага Ўзбекистонда ишламайсан?” деб бошлади. Ўзбекистонда бунақа ойлик бермайди, десам, “Ўқисанг берарди. Мана ман ўқиб, ишлаб ўтирибманку!” деб кўпол муносабатда бўлди. Ёнимдаги хотин ёлғиз она экан, уни “Нега эрингдан ажрашдинг?” деб қийнаганидан сўнг, у “Шахсий ҳаётимга аралашма”, деб чиқиб кетди. Бир ўзим қолдим. Эрга тегмаганимни билиб туриб мениям “туққанмисан, кимлар билан бўлдинг” деб ҳурматсиз қилиб ташлаганидан кейин, мен ҳам чиқиб кетдим, дейди қашқадарёлик ёш қиз.

Бу ва бошқа сўхбатдан ўтказилган ўзбекистонликларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирда хорижда ишлаб ватанига қайтган фуқароларнинг барчаси аввалига маҳалла қўмитасида махсус гуруҳ

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)



сухбатга кирдим. Навбат шунақа узун, одам роса кўп», дейди Озодлик сухбатлашган жижзахлик муҳожир.

**«Террорчиларни танийсанми?»**

Озодлик сухбатлашган “узок муддатлилар” таъкидича, уларнинг барчаси маҳалла ва ички ишлар ходимлари томонидан “намоз ўқийдиган, масжидга қатнайдиган ва турли экстремистик гуруҳларга алоқадор” одамлардан узок туриш лозимлигидан алоҳида огоҳлантирилмоқда. Айни пайтда уларга, шундай ўзбекистонликларни билиб қолишса, тегишли идораларга дарҳол билдириш” тавсия қилинган.

“Мендан террорчилар билан алоқадамисан?” деб сўради милиционер.

Мен бунақа бемаъни саволга “Алоқада бўлсам эди, ҳозир бу ерда ўтирмаган бўлардим” деб жавоб қилдим”, дейди “профилактик сухбат”дан ўтганлардан бири.

**«Таҳдид гуруҳи»ни таҳдиддан огоҳлантириш...**

Озодликнинг ички ишлар тизимидаги манбалари таъкидича, узок муддат Россия, хусусан, Қозоғистонда ишлаб юрган ўзбекистонликларга, бу

мамлакатларда нисбатан эркин фаолият юрғизаётган Ўзбекистонда тақикланган диний гуруҳларнинг эҳтимолий ўлжаси сифатида қаралади.

“Бу қатлам экстремист-террорчилар ўлжасига айланмай туриб, ана шундай профилактик чоралар қўлланиб, уларни бундай эҳтимол оқибатидан огоҳлантираёلمиз.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистондаги тинчлик ва хавфсизлик учун, яна фуқароларимизнинг одам савдоси қурбонига айланиши олдини олиш учун қилинмоқда”, дейди Озодликка ички ишлар тизими ходимларидан бири микрофонсиз сухбатда.

Оддий ўзбекистонликларга қўра, бундай профилактик амалиётлар аввалги йилларда ҳам бўлган, аммо бу қадар оммавий тусда ўтказилмасдан, асосан, диндор ва намозхонларга нисбатан қўлланиб келинган.

Айни пайтда, 2014 йилдан бошлаб Ўзбекистонда бир йилдан кўпроқ вақт бўлмаганлар ватанга қайтиши билан аэропортларда ҳам махсус сухбатдан ўтказилмоқда.

Бу сухбатларда ҳам, гувоҳлар ҳикоясича асосан, милиция бўлинмаларидаги “Саволнома”лар асосида сўроқ-жавоб ўтказилмоқда.

Манба: [ozodlik.org](http://ozodlik.org)

**Ўғирланган автомобилни “суюнчи” эвазига қайтарадиганлар яна пайдо бўлдимми?**

Озодлик радиосининг хабар беришича, кейинги 20 йил ичида Ўзбекистон уфқларида кўринмай қолган машина ўғирларнинг Тошкентга қайтгани ҳақидаги мақолани ёзиш чоғида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигидаги манбаларимизга қайта-қайта боғланиш асносида машина ўғирлиги билан боғлиқ яна бир муҳим маълумотга эга бўлдик.

Хусусан, 28 май куни Тошкентнинг Қоратощ мавзесида машинасини ўғирлатиб ИИБга ариза берган шахс 29 май куннинг иккинчи ярмига бориб аризасини қайтариб олган. Озодлик манбасига кўра, машинасини ўғирлатган шахс ҳеч кимга даъвоси йўқлигини айтган ҳолда аризасини қайтариб олган. Машина эгаси “муаммони ўз танишлари кўмагида ўзи ҳал қилишини” билдирган.

Машина эгасининг “муаммони” қай тарзда ва қайси танишлар кўмагида ҳал қилиши борасида

Озодликда маълумот йўқ. Новза масжидида суюнчи эвазига ўғирланган машиналарни “топиб” берадиган Шуҳрат ҳожи Домбрабадскийнинг 21 йилдан бери қамоқда ётгани ҳақида Озодлик яқиндагина ёзган эди. Бу мақолада машина ўрилари ва уни суюнчи эвазига топадиган жиноий гуруҳларга барҳам бериш учун Ўзбекистонда ўтказилган тадбирлар самараси ҳақида ҳам гапирилган эди.

Тошкентлик ҳайдовчи ва ижтимоий тармоқ блоггери Настя кўшни республикалар билан солиштирганда Ўзбекистонда машина ўғирлиги кам, деган фикрда:

- Нима ҳам дердик, бизда машина олиб қочиш масаласи жуда жиддий. Бизда машина ўғирлаганга қотиллика бериладигандан ҳам кўп муддат берилади. Шу боис ҳайдовчилар бемалол бўлиб қолган эди. Масалан, мен



магазинга бирровга кирсам, қўрқмасдан қалитни машинада қолдириб кетаверар эдим. Машина ювувчининг машина ўғирлагани хабари бизга очиқ осмонда чақнаган чақмоқ каби қаттиқ таъсир қилди. Бу бечора ўғри энди умрини қамоқда ўтказади, деб таъкидлади тошкентлик ҳайдовчи ва ижтимоий тармоқ блоггери Настя Озодлик билан сухбатда.

Сухбатдошга кўра кўра, МДХдаги бошқа республикалар билан солиштирганда машина ўғирлиги нисбатан кам бўлган Ўзбекистонда автомобил олиб қочарларнинг яна пайдо бўлиши аҳоли орасида кичик бир саросима уйғотди.



## Каримов ҳукумати яна "огоҳликка даъват" қилмоқда

Шу кунларда Тошкент шаҳар бозорларининг маъмуриятлари бозорда посбон ва сардор бўлиб ишлайдиган шахслар (ҳукуматнинг расмий "қулоқ"лари) билан махсус йиғилишлар ўтказиб, уларни огоҳликка ва сергаликка чақиришни бошлади.

Ўтказилаётган йиғилишларда айтилишича, гўёки, "шу йилнинг март-апрель ойларида кўшни мамлакатлардан Ўзбекистонга 200 исломий жангари кириб келган. Яна 300 та жиҳодчи Ўзбекистонга киришга шай турибди.

Улар республикадаги конституцион тузумни ағдариб, бу ерда Ислom давлати куришмоқчи", эмиш. Шундай мазмундаги йиғилишлар ҳозирча "Олой",

"Фарҳод" ва "Эски Жўва" бозорларида ўтказилган.

Бундай йиғилишлардан чиккан "қулоқ"лар ўзлари ишонган сотувчиларни ҳам "исломий жангарилар ҳавфи"дан огоҳлантиришмоқда. Уларнинг айтишича, яқинда ҳарбийларнинг "усиленний" режимга ўтказилиши ҳам ана шу жангариларнинг кириб келгани билан боғлиқ эмиш.

Бундай хабарларни эшитган фуқаролар, айниқса, ўзи шундоқ ҳам кўрқоқ кишилар Антон Чеховнинг қахрамони Беликовга ўхшаб: "Ишқилиб, бир ишқал чикмаса бўлди", деб, ваҳимага тушиб қолишган.

**ЎХХнинг Тошкентдаги муҳбири**

## «Аэрофлот» Ўзбекистонга учадиган бир қатор йўналишларни ёпмоқда

Россиянинг энг йирик авиаташувчиси Сочи, Ростов-на-Дону ва Мивод (Минеральные Воды) шаҳридан Тошкентга учадиган йўналишларни ёпади, деб хабар беради газета.uz.

Бу ҳақда Россия ҳаво транспорти федерал агентлиги маълумот тарқатган.

«Аэрофлот»нинг Тошкент ва Москва ҳамда Санкт-Петербург орасидаги қатнов йўналишлари сақлаб қолинади.

Бундан ташқари, Росавиация маълумотида кўра икки мавсумдан ортик кетма-кет равишда

парвозларни амалга оширмаганлик сабаби билан «Ютэйр» компаниясининг Краснодар, Красноярск ва Нижний Новгороддан Фарғонага парвозларни амалга ошириш рухсатини бекор қилиш режалаштирилган.

Ушбу йўналишларнинг ўрнига Челябинск, Екатеринбург, Краснодар, Красноярск ва Нижний Новгороддан Фарғонага «Уральские авиалинии» авиакомпанияси парвозларини йўлга қўйиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Тошкент метрополитенида тижорат рекламалари яна пайдо бўлди

Ўзбекистонда ҳавфсизлик чоралари кундан-кунга кучайтирилаётган бир пайтда Тошкент метрополитенига тижорат рекламалари яна қайтиб келмоқда. Сўнги бир неча кун ичида "Ўзбекистон" йўналишидан "Чилонзор" йўналишига ўтишда мевали соқлар ва маъданли ичимликларни реклама қилувчи баннерлар пайдо бўлди. Маълумки бундан уч йил олдин метрополитен раҳбариятининг "юқоридан" келган буёруқ асосидаги қарори билан барча вагонлар, бекатлар ва ўтиш йўлакларидаги рекламалар олиб ташланганди. Тошкент шаҳар ИИБнинг Тошкент метрополитенини кўриқлаш бўйича батальони командири подполковник Руслан Эрназаров метрополитендаги рекламалар йўловчиларнинг диққат эътиборини чалғитиб қўйишини таъкидлаганди. Бу эса, ўз навбатида йўловчиларнинг ҳавфсизлиги таъминланишига салбий таъсир кўрсатади, деганди мулозим.

Шундан сўнг Тошкент метрополитенидаги барча вагонлар, бекатлар ва ўтиш йўлаклари ҳавфсизликка даъват қилувчи баннерлар билан тўлдириб ташланганди. Айни пайтда, деярли бир йил давомида Ўзбекистон телеканаллари орқали метрополитенда унитиб қолдирилган буюмлар кўзга ташланганда нималар қилиш кераклиги ҳақида турли қисқача видео роликлар намойиши йўлга қўйилганди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ИИБ махсус бўлинмалари, МХХ ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида метрополитенга ўрнатилган портловчи моддаларни зарарсизлантириш бўйича турли қўшма ўқув машғулотлари ўтказиш йўлга қўйилганди.

Бироқ барча кўрилган чоратадбирларга қарамадан, бугунги кунда метрополитендан йиғиштириб олинган тижорат максасидаги рекламалар яна қайтиб кела бошлади. Бу эса, баъзи кузатувчиларнинг фикрича, метрополитен рекламалари ортидан келадиغان йирик даромад билан боғлиқ бўлиши мумкин.

**ЎХХ ахборот бўлими**



«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси «Навоийазот» корхонаси базасида поливинилхлорид ишлаб чиқариш бўйича кимё мажмуасини куриш бўйича Хитой миллий кимё-муҳандислик корпорацияси (CNCEC) билан шартнома имзолай олмади. Бу ҳақда, «РИА Новости»нинг вазиятдан хабардор манбаси берган маълумотга таяниб «Новый век»га хабар беради.

Нашрнинг ёзишича, Хитой компанияси тендер якунларига кўра мақсадга мувофиқ молиявий таклифларни тақдим эта олмаган, шу сабаб ҳозирги вақтда танловнинг бошқа иштирокчилари билан музокаралар олиб борилмоқда.

«РИА Новости» манбасининг сўзларига кўра, «Ўзкимёсаноат» май охиригача лойиҳани амалга ошириш бўйича қайта тендер эълон қилиш ёки бевосита музокаралар олиб боришни кўзда тутувчи якуний кўринишини ҳукуматга тақдим этиши керак.

CNCEC 2013 йили сентябрида кўрсатилган объектни куриш бўйича тендерда ғолиб деб топилганди. Бошланғич нархи 440 миллион долларга тенг бўлган лойиҳага кўра, бош пудратчи йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 64 минг тонна каустик сода ва 300 минг тонна метанол ишлаб

чиқариш қувватига эга мажмуани куриб бериши керак.

Режа бўйича, лойиҳа 31 ой ичида якунига етказилиши керак. Умумий қиймати 501,1 миллион долларга тенг бўлган лойиҳа хорижий кредиторлар ва Ўзбекистон томони маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган эди.

«Новый век»нинг ёзишича, «Ўзкимёсаноат» сўнгги беш

## «Ўзкимёсаноат» Хитой корпорацияси билан шартнома имзолай олмади

йилдан бери ушбу лойиҳани амалга оширишга муваффақиятсиз уриниб келмоқда. Бунгача уни амалга ошириш учун Россиянинг «Каустик», Жанубий Кореянинг ISU Corp ва БААнинг Mubadala Development каби компаниялар ҳам жалб этилганди.

«Навоийазот» корхонаси Ўзбекистондаги энг йирик кимё корхонаси бўлиб, 1964 йили фойдаланишга топширилган. Завод азотли ўғитлар, нитрон толалар, шунингдек, органик синтезнинг интеграл маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

«Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг март ойида «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси



бошқаруви раиси Ҳамидулло Шерматов ишдан олинганди. Ўзбекистондаги кимёвий заводларни бирлаштирувчи давлат ширкати бошқарув назорати кенгаши 25 март кунги мажлисда, 4 йилдан бери раис лавозимни эгаллаб келган Шерматовнинг ўрнига унинг ўринбосари Нормат Иброҳимовни тайинлаганди.

Расмийлар давлат компаниясининг қарзи кўпайиб кетганини, яъни 3 триллион сўм (1,3 миллион АҚШ доллари)дан ошиб кетгани боис Шерматовнинг тўрт йиллик фаолияти самарасиз, деб баҳолагани ва ишдан олинганини билдиришганди.

ЎХХ ахборот бўлими



## Ўзбекистонда шошилиш ва тезкор хизматларнинг телефон рақамлари янгиланди

Ўзбекистонда 27 май, сешанба кунидан эътиборан шошилиш ва тезкор хизматлари учун ягона телефон рақамлари ишлай бошлади. Бу ҳақда маҳаллий ОАВ хабар тарқатди.

Шаҳар ёки мобил телефондан энди ушбу хизматларга кўнғироқ қилиш учун 0 билан бошланувчи ва одатда икки ёки уч хонадан иборат бўлган рақамлар олдида 1 қўйиб

– 101, 102, 103, 1050 ва ҳақозо кўринишда кўнғироқ қилиш керак бўлади. Бўлаётган ўзгаришлар мобайнида турли тушунмовчилик ва ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида мазкур телефон рақамларининг уч ой давомида бир вақтнинг ўзида ҳар иккала – янги ва эски тизимларда фаолият кўрсатиши айтилади.

«Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳрида янги рақамларга ўтиш

жараёни 2013 йилда якунига етказилган эди. 2014 йил охиригача шаҳарлараро алоқа тармоқларига уланишда фойдаланиладиган «8» рақамини халқаро стандартларга мос «0» рақамига, халқаро алоқа тармоқларига чиқиш учун терадиган «8-10» олд рақамини «00»га ўтказиш бўйича ишлар якунланиши кўзда тутилган.

ЎХХ ахборот бўлими

## Ўзбекистонда нима учун ичкиликбозлик камаймоқда?

Ўзбекистон Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг алкоголь ичимликлар истеъмоли борасидаги ҳисоботида энг пастки ўринлардан бирини эгаллаган.

Спиртли ичимликлар ичилиши кўлами бўйича баҳоланган 188та давлат ичида Ўзбекистон 131-ўринда экан. Мамлакатда ўрта ҳисобда киши бошига бир йилда атиги 3,5 литр алкоголь тўғри келар экан, холос. Айни дамда Россияга миллионлаб ўзбекистонликларнинг иш излаб кетиб, ароққа бўлган иштиёқи ошиб бораётгани ҳам хабар қилиб келинади.

Би-би-си билан суҳбатлашган ўзбекистонлик шифокор ўзбек жамиятидаги ичкиликбозлик Ислом динига бўйсунушнинг кучайиши, ароқ нархининг юқорилиги, ёшлар маданиятининг ўсиб бориши туфайли камайганини айтади.

Манба: [bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)



кўмилгилари келиб қолди. Худди бойваччанинг ёнида кўмилса, жаннатга тушишлари ҳақида хабар келгандек, “Минор” дан ўзларига ва оила аъзоларига ер сотиб олишга тушишди”, дейди қабристон гўрковларидан бири.

Тошкентлик “янги зодагон”лардан бири 5 кишилик оиласи учун

тушишидан умид қияптилар”, дейди суҳбатдошим. “Минор” қабристонидagi гўрковнинг айтишича, қурилатган масжидга имом бўлиш ниятидаги “уламолар” ҳам таниш-билишларини ва пулларини ишга солиб, қаттиқ курашга бел боғлаганлар.

“Энди шу масжидга имом бўламан деган муллаларни кўрсангиз, жирканасиз ҳам, куласиз ҳам. Биттасининг қўлида 50 минг доллари бор. Шу пули билан Вазирлар Маҳкамасидаги Диний кўмигагача чиқди. Лекин

## Тошкентдаги “Минор” қабристонидa ернинг нарҳи тўрт барабар ошиб кетди

Россиялик олигарх Алишер Усмонов масжид қурдитаётгани туфайли Ўзбекистон пойтахтидаги “Минор” қабристонидa ернинг “нарҳи” икки барабар ошиб кетди. Масжид қурилиши бошлангунча бир қабрга ажаратиладиган ер учун бериладиган пора миқдори тахминан минг доллар бўлган бўлса, айни кунда ернинг “нарҳи” тўрт минг долларга чиққан.

“Бунга сабаб — Тошкент бойларининг ўзлари. Чунки Алишер Усмоновнинг жияни шу қабристонга дафн қилинган, пойтахтнинг турли бурчакларида яшайдиган “янги ўзбеклар” даб-дурустданшу қабристондан ер сотиб олишга тушишди. Ҳаммаси Бобур Усмонов билан бир қабристонга

шу қабристондан ерни “бронлаб” қўйиш учун Муслмонлар диний идорасидаги мулозимларга 17 минг доллар узатган.

Қабристонлар бошқармасидаги амалдорлар бойваччадан аслида 20 минг доллар сўрашган. Лекин ўртага МХХдаги генераллар тушиб, 3 минг долларга “скидка” қилиб берганлар.

Унинг айтишича, бойвачча йигит шу ерга кўмилгач, бу қабристонда гўрков бўлиб ишлашга орзумандлар ҳам кўпайиб қолган.

“Ҳозир менинг ўрнимга тахминан 10-15 киши даъвогар. Таниш-билиш ва узат-узат ишга солинган.

Кейинчалик бу ерда фақат олигархлар кўмилса, пул кўп

иши битмади.

Энди Бош вазир Шавкат Мирзиёевга чиқиш учун одам қидиряпти. Унинг айтишича, қурилатган “Минор” масжиди келажакда “прибильный” жой бўлармиш”, — дейди суҳбатдошимиз.

Аслида Аллоҳнинг уйи ҳисобланадиган ва амри-маъруф ҳамда ибодат учун қуриладиган масжидлар Ўзбекистонда риё ва кибр учун барпо этилаётган бир пайтда бундай иншоотларнинг имомлари ҳам амри-маъруф ва ибодатни эмас, бошқа мақсадларни кўзлаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

**ЎХХнинг Тошкентдаги муҳбири**

## Bild: «Ҳеч ким Путин билан ёнма-ён ўтиришни истамайди»

Иккинчи жаҳон урушида иттифокчи қўшинлар Нормандияга киритилишининг 70 йиллиги муносабати билан уюштирилаётган тантана ташкилотчилари олдида мураккаб бир вазифа турибди: ким фахрли трибунада россия президенти билан ёнма-ён ўтиради...

Немис газетаси Bild нинг ёзишича, Нормандияга иттифокчиларнинг киритилиши 70 йиллигига бағишланган тантанали тадбир ташкилотчиларини дунё лидерларидан кимни Россия президенти Владимир Путин билан ёнма-ён ўтқизиш билан боғлиқ масала қийнамоқда. 28 май, чоршанба кунини Bild газетаси

таркатган хабарга кўра АҚШ президенти Барак Обама, Буюк Британия қироличаси Елизавета II ва тантананинг кўплаб бошқа иштирокчилари 6 июнь кунини Францияда бўлиб ўтадиган тадбирда россия президенти билан ёнма-ён ўтирмасликка ва у билан умумий суратларда кўринмасликка «ишора қилишган».

Нормандиядаги байрамга тайёргарлик арафасида «Ғарбнинг қандай қилиб протоколдан чиқмаган ҳолда Россиянинг Қиримни аннексия қилиши ва Украинадаги ҳаракатларига нисбатан протест билдира олиши масаласида кизгин мунозара кетмоқда», деб ёзади нашр.

Германия канцлери Ангела Меркель Путинга нисбатан аниқ масофа сақлашни талаб қилаётганлардан бири ҳисобланади.

Нацистлар Германияси устидан ғалаба қозонган буюк давлатлардан бирининг вакили намаойиш қорона четлаб қўйишнинг иложи йўқ. Чунки бу унинг учун ҳақоратдек туюлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ташкилотчилар қатнашчиларни одатда бу каби тадбирлар ортидан уюштириладиган икки томонлама учрашувларда россия президенти билан учрашишдан бош тортишни таклиф қилишмоқда.

Фахрли трибунада Путин билан ёнма-ён кимни ўтқизиш бўйича якуни қарор бериш тадбир мезбони сифатида Франция президенти Франсуа Олланд зиммасига тушган, деб ёзади Bild.

**ЎХХ ахборот бўлими**



(Давоми: Боши олдинги сонда)



**Иброҳим алайҳиссаломнинг элчи малаклар билан тортишуви**  
Малаклар:

- Биз шу минтақанинг халқини ҳалок этамиз, чунки у ернинг халқи золим бўлдилар”, — дейишганда, Иброҳим алайҳиссалом уларга:

- Сиз бу минтақанинг ичида тўрт юз мўмин бўлса ҳам, ҳалок этасизларми? — деди.

- Йўқ, — дейишди элчи малаклар.

- Сиз минтақанинг ичида уч юз мўмин бўлса ҳам, ҳалок этасизларми? — деди яна Иброҳим алайҳиссалом.

- Йўқ, — дейишди элчи малаклар.

- Икки юз мўмин бўлса-чи?

- Йўқ, — деди элчи малаклар.

- Юз мўмин бўлса-чи?

- Йўқ, — дейишди элчи малаклар (56).

- Эллик мусулмон бўлса-чи (57)?

- Йўқ, — дейишди элчи малаклар (58). Бу минтақа ичида эллик мусулмон бўлса ҳам, бу минтақага азоб этмаймиз.

- Сиз бу минтақанинг (60) ичида қирқ мўмин бўлгани ҳолда ҳалок этасизми? — деб сўради яна Иброҳим алайҳиссалом.

- Йўқ, — дейишди элчи малаклар (61).

- Ўттизта мусулмон бўлса-чи?

- Бу минтақада ўттизта мусулмон бўлса азоб этмаймиз, — деди элчи малаклар (62).

- Бир минтақада ўн тўрт мўмин бўлган ҳолда, у минтақани ҳалок этармидингиз? — деди яна Иброҳим алайҳиссалом.

- Йўқ, — дейишди элчи малаклар (63).

- Ўнта мусулмон бўлса-чи?

- Ўнта мусулмон бўлса ҳам,

ҳалок этмаймиз, — деди элчи малаклар.

- Ичида ўнта мусулмон бўлмаган бирорта ҳам жамият йўқ, — деди Иброҳим алайҳиссалом (64).

- Эй Иброҳим бундан (тортишувдан) воз кеч, чунки ҳақиқат шудир, уларни муҳаққак, рад этилмайдиган азоб уражакдир, — дедилар (65).

- Уларнинг ичида Лут ҳам бор, — деди Иброҳим алайҳиссалом.

- Биз у ерда кимнинг борлигини жуда яхши биламиз. Уни ва аҳлини муҳаққак қутқарамиз, фақат у ерда (азобда) қолажак хотини мустасно, — деди элчи малаклар (66).

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (12).

**Элчи малакларнинг Лут алайҳиссаломнинг юртига келиб, унга меҳмон бўлиши**

Аллоҳу Таоло Лут қавмини ҳалок этиш учун юборган малакларга “Агар Лут ўз қавми зарарига тўрт дафъа шаҳодат келтирса, уларни ҳалок этишга сизга изн бедрим (67). Аммо Лут уларга қарши тўрт (\*) қарра шаҳодат келтирмаса, уларни ҳалок этманг”, — дея буюрганди (68).

(\*) Ва ёки уч қарра (Ибн Абу Шайбо, “Мусаннаф”, 1/ 523- бет).

Элчи малаклар Иброҳим алайҳиссаломнинг уйидан чиқиб, Лут алайҳиссалом минтақасига кун ўртасида бордилар. Улар Содум ирмоғига борганларида, Лут алайҳиссаломнинг ирмоқдан оиласи учун сув олаётган қизини кўрдилар ва унга.

- Эй, ёш қиз, меҳмон бўладиган жой топиладими? — деб савол беришди.

- Ҳа, шу уйда қолишингиз мумкин, фақат мен қайтиб келгунча ичкарига кирманглар, — деди қиз ва отасининг ёнига бориб:

- Отажон, эшик олдидаги йигитлар сени кўришни истайдилар, уларники каби гўзал чехрани кўрмадим, яна сенинг қавминг уларга бир разиллик қилмасин, деб кўрқаман, — деди.

Лут қавми Лут алайҳиссаломга эркак меҳмон қабул қилишни маън этгандилар. “Сен аралашма, эркакларни биз меҳмон қиламиз”, деган эдилар (69).

Лут алайҳиссалом меҳмонларни гизли ичкарига олди, уларни

ҳеч ким кўрмади. Аммо Лут алайҳиссаломнинг хотини уларни кўриб, қавмига хабар берди:

- Лутнинг уйига шундай ёш эркаклар келдики, мен бугунгача на улар қадар гўзал, на уларга ўхшаганни (70) кўрдим, на улардан келган хушбўй хидни хидладим (71), — деди хотин.

Элчи малаклар Иброҳим алайҳиссаломга:

- Бу кеча сенга меҳмон бўлишни истадик (72). Бу кеча биз сенга қўноқмиз, — дедилар (73).

“Ҳар ҳолда, сизлар бегона бир жойдансизлар, — деди” (74).

“...У буларни ўйлаб, қайғуга тушди. Уларни ўйлаб кўкси

торайди ва (ўз-ўзига) бу кун оғир бир кундир”, — деди (75).

Лут алайҳиссалом улардан:

- Бу қавмининг нималар қилишини сиз биласизми? (76) Сизлар уларнинг қилгиликлари ҳақида эшитдингизми? — деб сўради.

- Нима эмиш уларнинг иши? (77) Нима қилармиш улар? — дейишди элчи малаклар (78).

- Инсонлар ичида улардан ҳам қабих кимса йўқ. Мен ер юзида уларнинг минтақасидаги каби қабих ишлар қилаётган бошқа бир минтақа йўқлигига шаҳодат келтираман (80). Валлоҳи, ер юзида улардан ҳам ҳабис одам топилишига ишонмайман, — деди Иброҳим алайҳиссалом ва бу сўзини тўрт қарра такрорлади.

Малаклар Лут алайҳиссалом билан бирга унинг уйига кирдилар (81).

**Лут алайҳиссаломнинг боши дардда**

“Шаҳар халқи севина-севина келди” (82). Лут алайҳиссаломнинг уйини ҳар тарафидан қуршаб олдилар (83).

Лут алайҳиссалом эшикни тамбалади. Ичкарида элчи-малаклар билан туриб, эшик орқасида турганлар билан муноқаша этиб, тортишиб, ичкарига кирмасликлари учун мужодала этарди, уларга онт ичиб (84), ёлварар эди (85).

Содумликлар эса уйга киришга ҳаракат қилишарди (86). Шунда Лут алайҳиссалом:

“Эй қавмим (87)! Ҳақиқатан ҳам,

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

булар менинг мусофирларимдир (88). Мени расво этманглар (89). Аллоҳдан кўрқинг, мени шарманда қилманглар (90). Агар (айтганингизни) қилмоқчи бўлсангизлар” (91).

“... Мана қизларим! Сиз учун улар покрокдир (уларга уйланинг). Аллоҳдан кўрқинг, мени меҳмонларимнинг олдида ерга урманглар! Сизнинг ичингизда ақли бошида, тўғри йўлни кўрсатадиган бир одам йўқми?” — деди (92).

Улар:  
“Биз сени бутун олам (аҳлини химоя қилиш)дан қайтармаганмиидик? — дейишди улар (93)”.

“Онт бўлсинки, ўзинг ҳам биласан, сенинг қизларингга ҳеч қизиқмаслигимизни биласан, шунингдек, бизнинг нима исташимизни ҳам биласан”, дедилар.

“Қани эди, сизларга кучим етса, ёки кучли бир суянчиғим бўлса”, деди Лут (94).

“Албатта, мен сизларнинг (бу) ишларингизни қоралайдиганларданман. Эй Роббим, менга ва аҳлимга улар (кофирлар) қилаётган амалардан

учун Роббидан изн истади. Изн берилган он уларнинг кўзларига қаноти билан уриб, кўр этди. Улар орқага чекиндиладар.

- Эй Лут, сен бизга сеҳрбозлар келтирдинг. Бизни ўзинг каби сеҳрладинг (103). Тонг отсинчи, кейин гаплашамиз (104), яна қайтиб келамиз (105), — дея Лут алайҳиссаломни таҳдид этаркан (106), айни пайтда кўзлари кўр, пайпасланиб ташқари чиқиш учун (107), эшикни топишга уринишар (108), аммо на йўлни, на да уйларини топа олардилар (109).

- Кўр бўлдик, кўр! Ер юзидаги халқнинг энг сеҳрбозлари Лутнинг уйида экан!, — дея валдирашарди (110).

### Лут қавмининг ҳалок этилиши

Лут қавмининг қабих ишлари ва унинг ҳалок этилиши Қуръони Каримда шундай ифодаланган:

“Унга (Лутга) шу (қатъий) амрни ваҳий этдик: субҳга чиққанда уларнинг думи кесилажак (111)”.

“Лут қавми (уларни азоб билан) кўрқитган (амр)ни ёлғон, дедилар (112). Онт бўлсинким, (Лут) уларни балога дучор этажагимизни хабар берганди. Фақат улар бу огоҳлантиришни шубҳа билан, ёлғон дейишди

(119)!” “Аллоҳ куфр этганларга Нухнинг хотини билан Лутнинг хотинини мисол қилиб кўрсатди. Улар кулларимиздан иккита яхши қулнинг (никоҳи) остида эдилар. Шу ҳолда хоинлик этдилар ва (завжалари) уларни Аллоҳнинг азобидан кутқара олмади. Бу икки хотинга: “оташга кирганлар билан бирга сиз ҳам қиринг!” — дейилди (120).

“У (шаҳарнинг харобалари ҳар ким кўриши мумкин бўлган) бир йўл устида (ҳали ҳам) турибди”.

“Бунда иймон этганлар учун муҳаққак ибрат бор (121)”. “Онт бўлсинким, ақлини қўлланган бир қавм учун у ерда очиқ-равшан бир нишона қолдирдик (122)”.

### Лут алайҳиссаломнинг хотинининг ҳалок бўлиши

Лут алайҳиссаломнинг хотини даҳшатли бир сасни эшийтиб, орқасига боқди ва “воҳ, қавмим!” дея ачингани заҳот, Аллоҳу Таоло юборган нарса (123) — тош билан (124) у ҳам ҳалок бўлди (125), соғинган қавмига қовушди (126).

Лут алайҳиссаломнинг иймонсиз хотининг исми Воҳила эди (127).

### Лут алайҳиссаломнинг Шомга кетиши

Саҳар вақти Аллоҳу Таоло Лут алайҳиссалом ва оиласини Шомга йўллади (128).

### Лут алайҳиссаломнинг Фаластинда истиқомат қилиб, у ерда вафот этиши

Лут алайҳиссалом вафот этгунга қадар Шом — Фаластин тупроғида, амакиси Иброҳим алайҳиссалом билан бирга бўлди.

Иброҳим алайҳиссалом Лут алайҳиссаломнинг қизи билан Мадён бин Иброҳимни уйлантирди. Аллоҳу Таоло унинг наслини ҳам баракатлантирди, Мадён халқи улардан ҳосил бўлди (129).

Лут алайҳиссалом ўз қавми ҳалокидан етти йил сўнгра вафот этгани ҳақда ривоятлар бор.

Лут алайҳиссалом Ҳазрати Сора билан Иброҳим алайҳиссалом ва ўғиллари кўмилган ерга яқин бир ерда, Иброҳим алайҳиссаломга оид “Яқийн” деб аталган масжидга бир фарсоҳ узокликдаги бир қишлоққа кўмилди (130). Унга ва юборилган бутун пайғамбарларга салом бўлсин!

(Давоми келгуси сонда)

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (12).

нажот бер!” (95)

Элчи малаклар Лут алайҳиссаломнинг қаттиқ изтироб чекганини кўриб, унга (96):

“Эй Лут, амин бўл, биз — Роббингнинг элчиларимиз, улар сенга қатъиян тега олмайдилар. Сен дарҳол, кечанинг бир қисми (ўтгач), аҳли оиланг билан йўлга туш. Узинг уларнинг орқасидан юр. Фақат хотининг мустасно. Уларга келган бало унга ҳам тегажак. Сизлардан бирон киши орқасига аланглаб қарамасин. Буюрилган тарафга кетаверинглар (97). Уларга ваъда қилинган бало вақти субҳ вақтидир. Субҳ яқин эмасми (98)?”

- Эшикни оч. Сен бизни улар билан ёлғиз қолдир, — деди элчи малаклар (99).

Лут алайҳиссалом эшикни очган заҳот (100) содумлик телбалар ичкарига киришди, элчи малакларнинг ёнига келишди (101).

Элчи малакларга ёмонлик қилишмоқчи бўладилар (102).


Жаброил алайҳиссалом кутурганларни жазоландирмак

(113). Ҳаётингга ямин этаманки, улар ўз мастликларида тентирар эдилар (114). Онт бўлсинки, улар меҳмонларга (ҳам) ёмонлик қилишга қасд этгандилар. Биз уларнинг кўзларини кўр этдик! Мана, азобимиз ва таҳдидимизни тотиб кўринглар (дедик) (115)! Онт бўлсинким, уларни бир тонгда уларни асло кўйиб юбормайдиган бир бало босди! Мана (дедик), тотиб кўринг менинг азобимдан ва таҳдидим оқибатини (116)!”

“Уларни ишроқ вақти кирганда, бир даҳшатли ҳайқириқ тутди! Дарҳол у шаҳарни остин-устун қилиб ташладик ва уларнинг бошларига сопол тошлар ёғдирдик (117)!” “Қачонки бизнинг амримиз келди, ўша он у жойни остин-устин қилдик ва уларнинг (кофирларнинг) устига Роббингиз қатида тамғаланган сопол тошларни ёғдирдик. У жойлар золимлардан узоқ эмас (118)”.

“Уларнинг устига бир азоб ёмғири ёғдирдик. Мана, қара, гуноҳдорларнинг сўнги нима бўлди

Давлат интерактив хизматлари ягона портали (ДИХЯП) интерактив хизмат кўрсатиш сифати бўйича рейтингларни эълон қилишни бошлади. Бу ҳақда маҳаллий ОАВ хабар берди. Давлат интерактив хизматлари ягона порталида бу борадаги биринчи рейтинглар эълон қилинди.



## Ўзбекистонда энг кўп интерактив мурожаат ИИВга бўлган

Хабарда айтилишича бундан кейин рейтинглар доимий равишда эълон қилиб борилади.

Рейтингларни ҳисоблашда фойдаланувчилар томонидан давлат органларига қўйилган баҳолар инobatга олиниши таъкидланади. Бироқ порталнинг маълум қилишича фойдаланувчиларнинг аксарияти ўзларининг давлат органига баҳо бериш ҳуқуқидан фойдаланишмаяпти.

Эълон қилинган рейтингга кўра энг кўп мурожаат қилинган давлат органи Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги бўлиб, унга 2056 та мурожаат келиб тушган. Бироқ, ушбу кўрсатилган рақам қайси мuddат оралиғида эканлиги айтилмаган.

Мурожаатлар сони бўйича ИИВдан кейин етакчиликни «Узархив» Агентлиги эгаллаган. Агентликка 1052 та фуқародан мурожаатлар келиб тушган. Ундан кейинги ўринларни эса Тошкент

шаҳар ҳокимияти ва Адлия вазирлиги эгаллаган.

Шу билан бирга портал фуқароларнинг мурожаатларини қаноатлантириш бўйича ҳам давлат органлари рейтингини маълум қилади.

Унга кўра «Узвиносаноат-холдинг» компанияси биринчи ўринга қўйилган. Кейинги ўринларни эса, ташки иктисодий фаолият Миллий банки ва «Ипотека-банк» эгаллаган. Хабарда таъкидланишича мурожаатларни қаноатлантириш бўйича рейтингни ҳисоблашда фаолияти 15 дан ортиқ фойдаланувчи тарафидан баҳоланган муассаса ва ташкилотлар киритилган.

Бундан ташқари, порталда мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича муассасаларнинг энг ёмон бешталигини ҳам эълон қилган. Ушбу ёмонлар бешталигида етакчилик Сурхондарё вилоятининг Денов тумани ҳокимиятига

берилган. Ундан кейинги ўринларга Қашқадарё вилоятининг Косон тумани ҳокимияти, Ўзбекистон фермерлар Кенгаши, Қашқадарё вилоятининг Муборак ва Чироқчи туманлари ҳокимиятлари киритилган.

Давлат интерактив хизматлари ягона порталида фойдаланувчига истаган соҳа бўйича истаган давлат органига мурожаат қилишлари мумкинлиги таъкидланади.

Бироқ, келтирилган давлат органлари рўйхатида президент Девони келтирилмаган ёки шахсан президентга қай тарзда интерактив мурожаат қилиш тартиби мавжуд эмас.

Бундан ташқари, порталда фуқаролар интерактив мурожаат қилишлари учун давлат қўмиталари номлари рўйхати келтирилган.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 2 ноябрдаги 278-сон қарорида: «Ўзбекистон ССР иттифок-республика Давлат хавфсизлиги қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматига айлантирилсин (республика қўмитаси ҳуқуқида)», - дейилади.

Мазкур ҳужжатга кўра МХХ ҳуқуқий мақомига кўра давлат қўмитаси ҳисобланади.

Бироқ, рўйхатда берилган тўққизта давлат қўмитасидан иборат рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати номи киритилмаган.

**ЎХХ ахборот бўлими**



Ўзбекистон божхона статистика маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божхона ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда умумий қиймати 991,1 млн. сўм бўлган 944,4 тонна умумий ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиш билан боғлиқ 181 та ҳолатни аниқлаган. Бу ҳақда Podrobno.uz хабар беради.

Хабарда айтилишича, тезкор тадбирлар давомида «Фарғона»

## Ўзбек божхоначилари 991 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тўхтатиб қолишди

чегара олди божхона пости ходимлари томонидан Фарғона вилояти бўйича катта миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг чегарадан ноқонуний олиб ўтилиши олди олинган. Хусусан, қўшни давлатга кетаётган «Исузу» маркали автомашина текширилганда божхоначилар унинг бортида қиймати 2 млн. сўмлик (тахминан 750 АҚШ долларига тенг) 2,5 тонна пиёз борлигини аниқлашган. Юк эгаси М. Солиев божхоначиларга ҳеч қандай ҳужжат тақдим қила олмаган.

Бундан ташқари, қўшни давлатга йўл олган «Мерседес-Бенц» автомашинаси текширилганда «Фарғона» чегара олди божхона

пости ходимлари умумий оғирлиги 500 кг бўлган турли хил қишлоқ маҳсулотлари ноқонуний олиб ўтилатгани аниқланган.

Россия Федерациясига йўл олган иккита йўловчи текширилганда «Келес» чегара олди пости Тошкент бўйича бошқармаси ходимлари фуқаро О. Тошболтаева ва фуқаро М. Одилхановалардан умумий оғирлиги 100 кгдан ошиқ лимон ва кўкатларни мусодара қилишган. Юк эгалари ушбу маҳсулотларга нисбатан тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган.

Ҳозирда ушбу ҳуқуқбузарлик фактлари бўйича суриштирув жараёни кетмоқда.

**UZBEK.FM**





## ЎЗБЕКИСТОН ИИВ: видеореги­стратор учун ҳайдовчи жаримага тортилади

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг (ЙХХББ) маълум қилишича, йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ҳайдовчини тўхтатган ЙХХДХ ходимини видео тасвирга олиш мумкин эмас. Ўзбекистонда автомобилларга видеореги­стратор ўрнатишга рухсат берилмаган.

Бу ҳақда 27 май куни телефон орқали мулоқотда Йчки ишлар вазирлигининг йўл ҳаракат хавфсизлиги Бош бошқармаси вакили маълум қилди, деб ёзади газета.uz. Берилган саволларга ЙХХББ мутахассисларининг жавоблари шанба куни «Постда» газетасида эълон қилинган. Бошқарма вакиллари­нинг таъкидлашича, «гўёки йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун» ҳайдовчини тўхтатган ЙХХДХ ходимини видео тасвирга олиш мумкин эмас.

«Автомобилга навигатор, орқа томонни экранда тасвирловчи камера ёки видеореги­стратор ўрнатиш мумкинми?» — деган саволга ЙХХББ мутахассиси: «Бизда бу турдаги мосламаларни ўрнатиш иаъқиқланган», — дея жавоб берган. Бундан ташқари, «автомобилга видеореги­стратор ўрнатилганлиги ҳолати ЙХХДХ ходими томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш сифатида расмийлаштирилиши мумкинми?», — деган саволга ҳам «ҳа» деган жавоб берилган.

Ўз­нав­ба­ти­да­ор­қа­ў­рин­ди­ко­л­ди­да монитор ўрнатилишига рухсат берилиши ай­ти­ла­ди: «тран­спорт

воситасининг олди қисмида теле-, видеомониторлар ўрнатиш қонун билан таъқиқланган». Ўзбекистон Маъмурий жавобгарлик кодекси автотранспорт воситасининг олди қисмига ўзбошимча равишда монитор (дисплей) ўрнатишни таъқиқлайди. Ушбу нормага амал қилмаслик эса, энг кам иш ҳақининг икки баробари миқ­доридаги жарима солинишига сабаб бўлади.

«Йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлганда видеореги­стратор тасвирининг судда далил сифатида қабул қилиниши мумкинми?», — деган саволга жавоб бераркан, ЙХХББ мутахассиси: «бу саволга жавоб учун суд органларига мурожаат қилишни тавсия қилган».

ЙХХББ мутахассисининг автомобилга видеореги­стратор ўрнатиш таъқиқланади, деган жавоби кўплаб интернет фойдаланувчилари орасида бах­мунозараларни келтириб чиқариши тайин. Маълумки, кейинги пайтда ўз автомобилларига видеореги­стратор ўрнатиб олган ҳайдовчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Ушбу қурилма автомобиль жойидан кўзгалганидан бошлаб йўлда кўринган барча ҳодисаларни тўхтовсиз видеотасвирга тушириб боради. Дунё мамлакатлари тажрибасидан шу нарса маълум бўлдики, видеореги­страторлар кўпинча йўл транспорт ҳодисаси юз берган ҳолда ҳақиқатни юзга чиқариш, йў ҳодисаси сабабчисини аниқлашга ёрдам беради.


Энди видеореги­страторларни автомобилга ўрнатишга нисбатан

қонунчилик нормаларига тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276 моддасига мувофиқ, видеореги­стратор ёзувларидан ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашда далил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари» 269 моддаси қоидалари билан ҳам мос келади. Ушбу мавзу ҳақида олдин ҳам бир қанча мақолалар ёзилган ва амалдаги қонунчиликка шарх

берилган. Хусусан, «Экономическое обозрение» журна­ли­нинг 2013 йилги 9-сонида чоп қилинган «Йўл ҳаракати қоидалари бўйича савол-жавоблар» номли мақолада ҳам автомобилга видеореги­стратор ўрнатиш қонунга хилоф эмаслиги қонунчилик нормалари билан изоҳлаб берилди.

Бирок, ЙХХББ мутахассисларининг юқорида келтирилган жавобларидан сўнг, жорий қонунчилик ҳақида етарли билимга эга бўлмаган ЙХХДХ ходимлари ўз раҳбарияти кўрсатмаларига асосланиб ҳайдовчилардан видеореги­страторни ўчириб қўйишни талаб қилиб қолишса ажабмас.

### ЎХХ ахборот бўлими





*(Давоми: Боши олдинги сонда)*

Бефаросат ва ақлсиз келинларни эса эрининг овози кўтарилгани ҳам сескантирмайди. Аксинча уларга худди шу етмай турувди. Эрнинг тилини қисиш, «гаҳ» деганда «қўлга кўнадиган қилиб олиш» учун жанжал чиқаришга худди ҳозиргидай баҳона-сабаб керак эди. «Чидамайман, бунақа курумсоқ эрдан ўлиб бўлдим, ҳозирок талогимни берасан, уйимизга кетаман».

Воқеанинг давоми одатда бир хил кечади: келин уйига кетиб қолади. Ўртада гап-сўзлар, таъна-маломатлар роса қайнайди. Икки томондан ҳам ҳаловат ва ором кетади. Маҳалла, катталар аралашиб, мурасага келтириш йўллари излайди.

Ёки икки ёшни яраштириб қўйишади, ёки иш судга ошиб ажрашиб кетишади. Арзимаган матоҳдан бошланган ғишава ана шундай аянчли – икки ёш бахтининг, ширин турмушининг заволи билан якун топади.

Кўпинча ёшлар у ёқда қолиб, катталар, «минг йиллик муносабатлар ўрнатишга» аҳд-паймон қилган қудалар ўртасида ҳам мол-дунёга ўчлик туфайли келишмовчиликлар, машмашалар чиқиб туради.

«Мебелнинг нави пастини жўнатибди, ЗАГСга бориш учун келинга лимузин юбормабди, мен буни қилувдим, у эса қилмабди» каби гап-сўзлар жуда кўп кишиларнинг дилини хуфтон қилаётгани ҳам бор нарса.

Биз келин-куёвнинг янги рўзгорини тиклаб олиш учун зарур бўлган бир-икки сидирга кийим-кечак, энг керакли уй жиҳозлари, рўзгор буюмлари ҳақида сўз юритаётганимиз йўқ.

Бу ишда «мен сендан ўтаман» қабилида исрофгарчиликка йўл қўйиш, керак-нокерак, ортиқча буюмларни сотиб олиш учун кўп вақт оилани ҳамма нарсдан қантариш, номчиқарга, дабдабазликка интилиш мақбул эмаслигини айтмоқчимиз.

Ваҳоланки, ана шу қўша-қўша анжом-буюмлар ҳеч қачон қизингизни ёки ўғлингизни бахтли қилолмайди. Оилада пайдо бўладиган келишмовчилик, ихтилофларнинг олдини

ололмайди. Аксинча, мол-давлат кўпинча ёшлар орасини бузади, кўнгилсизликларни келтириб чиқаради.

Кўпинча бу каби бемаъни даъволар ҳатто тўй бошланмасдан туриб бир қанча кўнгилхираликларга, қудаларнинг ёвлашиб қолишига, энг ачинарлиси тўйлар бузилиб, икки ёшнинг бахт-иқболига зомин



## БАХТНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

бўлганига нима дейсиз?! Ахир келин-куёвнинг аҳиллиги, бир-бирига муҳаббати, оқибати қайси замонда, қайси юртда мол-мулк, бойликка боғлиқ бўлган?

Айниқса, ҳозирги бозор шароитида молпарастлик, бойликка ружу қўйиш, кимўзарга дунёсини кўз-кўз қилиш халқимизга қимматга тушяпти. Қанча оилалар арзимас матоҳлар деб бошланган жанжаллардан пароканда бўляпти. Қанча келинларимиз бошида маломат ва зулм қамчилари ўйнаяпти. Қанчалаб ота-оналарнинг бир маромдаги ҳаётлари издан чиқяпти, куёвларнинг дунёсини қоронғу қияяпти.

Наҳот ана шундай кулфатларга сабаб бўлувчи молпарастлик балосидан қутилиш, ахлоқий талабларга қўра ҳар ишда қаноатли, камтар бўлиш шунчалик мушкул иш бўлса?!

Илгари ота-оналар янги турмуш қурган фарзандларининг рўзгорини ажратишар экан, бир сидра уй-рўзгор анжом-асбоблари, ун, гурунч, ёғ каби масалликлар билан таъминлашган. Шу тариқа ёш оила ўзини тиклаб олган, сармоясига барака кирган.

Ҳозирда-чи? Ота-оналар болаларига қимматбаҳо мебеллар, ҳатто машиналар совға қилишяпти, шоҳона уйлар қуриб беришяпти. Аммо рўзгор тебратиш, маблағни тасарруф этиш, қизларга уй тутиш, овқат пишириш, нон ёпиш, бичиштикиш каби энг зарур юмушларни ўргатишмаяпти.

Оқибатда ёшлар турмушининг

арзимас муаммолари олдида довдираб, сан-манга боришяпти, ҳатто ажралиб кетишяпти.

Ҳайит, байрамлар арафасида қуданикига «хайит йўқлов» жўнатишдаги исрофлар, кимўзарга беллашувлар, бир-бирига солиштириб кўриб чиқаётган ғавғо-дилхираликлар, «қизим тинч ўтирса бўлди», деб бор-будини созуриб, қарзларга ботиб қилинган маросимлар қизга ҳеч қачон бахт келтирмаслигига тушуниб етиш ва булардан воз кечиш пайти келмадимикан?

Рўзгорда ҳисоб-китоб билан иш тутилмаса, пулни келишига қараб харжланмаса, тез орада мураса бузилади. Икки севишган, бир-бирини еру кўкка ишонмай юрган ёшнинг аҳиллигига путур етиб, оиладан барака кетади. Турмушдаги етишмовчиликлар ва нотўғри сарфиётлар бора-бора уларни кийинчиликка солиб, ҳаётларидан файзни йўқотади.

Арабларнинг «Агар фақирлик эшикдан кириб келса, муҳаббат деразадан чиқиб кетади» деган ҳикмати бор. Рўзгордаги тангчилик, етишмовчилик икки ёшнинг муҳаббатини синовдан ўтказиши, кўпгина можароларнинг бош «айбдори»га айланади.

**Оятуллох Нуруллох**

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Мухаррир: Замир Малик